



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2013-yil, 30-may. Payshanba • 65 (31.655) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг 2013 йилдаги энг устувор йўналиши ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами бандлигини таъминлаш орқали манзилли ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Бугунги тезкор даврнинг ўзи сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, дастурий мақсадлар ижроси йўлидаги курашни кучайтиришни талаб этмоқда. Бунга эришиш учун янги-янги ташаббуслар билан чиқиш, айниқса, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари иштини янги bosqichga кўтариш зарур.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муносиб иштирок этиш, кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, электротат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда бу муҳим аҳамиятга эгадир.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашида бўлиб ўтган партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг қўшма йиғилишида ана шу масалалар хусусида сўз борди.

2-бет

ЎзХДП: устувор вазифалар



СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЯНАДА ФАОЛ

ва ташаббускор бўлиш зарур

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТАГИДАГИ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРГА ЎРГАНИШИ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ

Тошкентда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция якунига бағишланган ҳужжат яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан давлатларнинг миссиялари ўртасида тарқатилди. Бу ҳақда «Жаҳон» ахборот агентлиги хабар беради.

БМТнинг олти тилида тайёрланган мазкур ҳужжатда қайд этилишича, уй-жой қурилиши масалалари ривожланиши омили сифатида давлатлар иқтисодиёти ва банк-молия тизимида доимо муҳим ўрин тутган. Ҳужжатда эътироф этилишича, ҳозирги вақтда дунёнинг 49 фоизга яқин аҳолиси қишлоқ жойларда истиқомат қилмоқда, Осиё мамлакатларида эса қишлоқ аҳолиси миқдори 58 фоиздан ошади. Шу боис қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ҳар томонлама муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро конференция очилишида сўзлаган нутқи, анжуман қатнашчиларининг ўз-ара муҳокамалари ва мулоқотлари чоғида ишлаб чиқилган ҳулоса ва тавсиялар ҳам мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган. Материалда таъкидланганидек, тўрт йил мобайнида Ўзбекистон қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли муваффақиятларга эришти, шунингдек, аҳоли ҳаёт тарзини янада яхшилаш, шаҳар ва қишлоқлар таъриқотидаги фарқларни бартараф этиш, ижтимоий барқарорликни ва иқтисодиётнинг изчил

ўсишини таъминлашда ҳам қатта ютуқларни қўлга киритди. БМТ ҳужжатида мамлакатимизда уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириш учун яратилган қонунчилик ва меъририй-ҳуқуқий асос ҳам алоҳида эътироф этилган. Хусусан, конференция қатнашчиларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларида келтирилганидек, қонуний асосга кўра давлат уйлари қуриш учун текин ер участкалари тақддан ошади. Шу боис қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши ривожлантириш ҳар томонлама муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро конференция очилишида сўзлаган нутқи, анжуман қатнашчиларининг ўз-ара муҳокамалари ва мулоқотлари чоғида ишлаб чиқилган ҳулоса ва тавсиялар ҳам мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган. Материалда таъкидланганидек, тўрт йил мобайнида Ўзбекистон қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли муваффақиятларга эришти, шунингдек, аҳоли ҳаёт тарзини янада яхшилаш, шаҳар ва қишлоқлар таъриқотидаги фарқларни бартараф этиш, ижтимоий барқарорликни ва иқтисодиётнинг изчил

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ТАШАББУС, ФИДОЙИЛИК, ИНТИЗОМ ВА МАСЪУЛИЯТ

фаолиятимиз мезонига айлансин

Бугун Жиззах шаҳрида 1586 нафар ЎзХДП аъзоси бўлиб, улар 62 та бошланғич ташкилотга уюшган. «Ёшлик» маҳалласида фаолият юритаётган партия ташкилоти шуларнинг биридир.

Яқинда 36 нафар партиядошимизни бирлаштирган ушбу бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил этилди. Ҳисобот даврида партия сафига 16 нафар янги аъзо қабул қилинди. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар ва ёшлардан иборат. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган 2 та, маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олишга қаратилган 3 та, партия Ҳаракат дастури ижроси бўйича 3 та, соғлом турмуш тарзига оид 4 та тадбир ўтказилди. Уларнинг таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Маҳалла худудида янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликка кўмаклашиш, аҳолига сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш масалалари партия фаоллари доимий эътиборида бўлди. Натижада маиший хизмат шохобчалари кўпайди, 8 та сервис хизмати кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди.

Бу эса ўнлаб янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш имконини берди. Маҳаллада истиқомат қилаётган эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. 34 нафар жисмоний имконияти чекланган, 79 нафар кам таъминланган ва 17 та боқувчисини йўқотган оилага ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишида БПТ ташаббускорлиги, партия фаолларидан Раъно Холиқова, Хосият Пармонова, Олим Нишоннов, Шокир Курбоновнинг хизматлари катта бўлгани эътироф этилди. Йиғилишда ҳисобот даврида маҳаллада амалга оширилган кўпгина ижобий ишлар қайд этилиб, ҳали ҳал этилмаган муаммолар масалаларнинг ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Уларни бартараф этишда бошланғич партия ташкилоти ўз ўрни, позицияси, таъсирини кўрсатиши зарурлиги таъкидланди. Маиший ва коммунал соҳалар, ободонаштириш тадбирларида

партиядошларимиз иштироки, фаоллиги бир хил эмаслиги айтилди. Партия фоялари, дастурий мақсадларини одамлар орасида тарғиб қилиш ишлари ҳам талаб даражасида эмаслиги тўғрисида фикрлар билдирилди. — Бошланғич ташкилот партия электротати яқинлиги туфайли унинг манфаатларига тааллуқли муаммолардан яхши хабардор бўлиш имконини беради, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, ЎзХДП фаоли Хурсаной Иномова. — Биз бундай муаммоларни қачон, қим ҳал этар экан, деб кутиб ўтирмай, уларни мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб боришимиз, бу ишга маҳаллий Кенгаш депутатлари эътиборини қаратишимиз лозим. Ташаббус ва фидойилик, интизом ва масъулият ҳар бир партиядошимиз фаолиятининг мезонига айланиши зарур. Ҳисобот-сайлов йиғилишида Хосият Пармонова оилавий шароити сабабли ўз аризасига кўра, бошланғич партия ташкилоти етакчилигидан озод этилди. ХДП фаоли Олим Нишоннов бошланғич ташкилот раиси этиб сайланди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Депутатлик гуруҳлари — электротат манфаати ҳимоячиси

Ўз севган иши, касби билан банд бўлган, шунинг ортидан рўзгор тебратаетган одам нима ҳақида кўпроқ ўйлайди? Бизнингча фаолиятини ривожлантириш, янгилик яратиш, даромад манбаини янада кенгайтириш орқали оиласи фаровонлигини ошириш ҳақида.

БОШ БОШҚАРМА БОШЛИҒИ ҲИСОБОТ БЕРДИ

Вақтинча ишсиз, иш топишда қийинчиликка дуч келатган, бирор-бир ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган кишини нима кўпроқ ташвишга солади? Табиийки, унга ҳам доимий иш ўрни, даромад манбаи керак. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш, оилаларнинг фаровонлигини таъминлашга жуда катта

эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг бандлик даражасини ошириш масаласи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳам асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Жойларда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари бу борада қатор ташаббусларни амалга оширмоқда. (Давоми 2-бетда.)

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

ПАРТИЯМИЗ ҲОЯЛАРИ АМАЛГА ОШМОҚДА

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда сиёсий партия тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

МУДДАТИ ЎТМАГАНМИ,

меърида сақланганми? → 3



УНИВЕРСИАДАНИНГ ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИНИ

миллионлаб ёшларимизни ўз сафига қамраб олмақда. Уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайишига замин яратмоқда → 4



ЎзХДП: устувор вазибалар



СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЯНАДА ФАОЛ

ва ташаббускор бўлиш зарур

Йиғилишда партия Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов иштирок этди. Партия етакчиси фаоллар эътиборини бугунги кунда ҳаёт сиёсий партиялар олдиға кўяётган талаблар, юртимизда амалға оширилаётган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Халқ демократик партияси зиммасида турган муҳим вазибаларға қаратади.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичға кўтариш зарурати долзарб аҳамиятға эға ташаббуслар илгартирилган, — деди у. — Бугун мамлакатимизда сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДП давлат ва жамият бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш жараёнида фаол қатнашишға ҳаракат қилмоқда. Бирок ҳозирги фаолиятимизни шиддат билан бораётган тараққиётға мос тарз-

да партиямиз фаолиятини янги босқичға кўтариш, сиёсий ислохотлар жараёнида янада ташаббускор ва фаол бўлиш олдимизда турган энг муҳим вазибадир. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз кўпроқ ташаббус кўрсатиши, электрот билан яқин алоқада бўлиши, муаммолар ечими, электрот манфаатлари ҳимояси юзасидан партия Марказий кенгаши, Қонунчилик палатасидаги фракциясиға жиддий тақлифлар билан чиқиси талаб этилади. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар ишини кучайтириш, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти самарадорлиғи, «Истикбол» ёшлар ҳамда «Фаол аёллар» қаноти етакчиларининг сиёсий ҳуқуқий салоҳиятини муттасил ошириш бориш лозим. Ана шунда белгилаб олган вазиба ва режаларимиз ҳаётда ўз аксини топади.

— Партияимизнинг шаҳар ва туман кенгашларида ички партиявий ҳамда кадрлар масалаларига жиддий эътибор қаратишимиз лозим, — деди ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши

раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров. — Жойларда партия гоя ва маққурасини тарғиб этиш, электротратни ўйлантираётган айрим муаммолар ечими юзасидан амалий тақлифлар бериш партия тизимида меҳнат қилаётган кадрлар салоҳиятиға ҳар жиҳатдан боғлиқ.

Айни кунларда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтапти. Сайловларда мамлакатимизда кечаётган ислохотлар, ХДП дастурий максдаларини ҳаётға татбиқ этиш учун курашадиған, одамларни ўз ортинда эргаштира оладиган, маънан етук етакчиларни сайлаш партиянинг қуйи бўғинидаги ишларини янада жонлантиришға замин яратади.

Йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолияти таҳлил қилинди. Утган даврда электрот манфаатларини ифодалаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

ришға қаратилган 4 та масала туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари, 4 та масала Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар йиғилишлари кун тартибига киритилиб, камчиликларни ҳал этиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинган, уларнинг ижросини таъминлаш борасида амалға оширилган ишлар натижалари бўйича фикр-мулоҳазалар тинланди. Халқ депутатлари Хонқа, Қўшқўпри туман ва Урганч шаҳар Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолияти ижобий экани таъкидланди.

Айрим туман Кенгашларида депутатларимизнинг иши қонқарли даражада эмаслиғи, жойларда партия тизимида учраётган камчиликлар, ўзибўларчилик юзасидан танқидий мулоҳазалар буртаға ташланди. Муаммоларни бартараф этиш, депутатларнинг фаолигини ошириш, партия ташкилотларининг ишини кучайтириш билан боғлиқ тавсиялар берилди.

Шунингдек, қўшма йиғилишда «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қанотлари олдида турган вазибалар, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш механизмларини янгилаш, иқтидорли ва билимли ёшларни партия фаолиятиға кенг жалб қилиш масалалари муҳоама қилинди.

Йиғилишда билдирилган тақлиф-мулоҳазалар ва тавсиялар ҳисобга олиниб, вилоят партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришға қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Рўзимбой ҲАСАНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

БОШ БОШҚАРМА БОШЛИҒИ ҲИСОБОТ БЕРДИ

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси юзасидан ҳисоботини тинглаш масаласини Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси иш режасига киритган эди. Яқинда доимий комиссия йиғилишида жорий йилнинг шу даврида қадар Дастур ижроси юзасидан амалға оширилган ишлар бўйича бош бошқарма бошлиғи Файзулла Қосимов ҳисобот берди.

Йиғилишда вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Дастлаб 2012 йилда бу борада амалға оширилган ишларнинг натижалари таҳлил қилинди. Утган йили вилоятда 92,4 минг иш ўрни яратилган, уларнинг 66 мингдан ортиғи қишлоқ жойларида вужудға келгани таъкидланди.

Депутатлар Утган йилда ташкил этилган янги иш ўринларини тармоқлар ва ҳудудлар кесимида таҳлил этди. Ишчи кучиға эҳтиёж катта бўлган ҳудудларда барқарор иш ўринлари яратиш долзарб масала экани таъкидланди.

КАСАНАЧИЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ИШЧИ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЯПТИ. ВИЛОЯТДА КАСАНАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ОЧИЛГАН ИШ ЖОЙЛАРИ УМУМИЙ ЯРАТИЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ 5,2 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН. БУ КЎРСАТКИЧ МАРГИЛОН ШАҲРИДА 3,7, ҚУВАСОЙ ШАҲРИДА 1,4, БАҒДОД ТУМАНИДА 3,6, ОЛТИАРИҚДА 2,5, РИШТОНДА 2,8 ВА УЧКЎПРИК ТУМАНИДА 2,6 ФОИЗГА ЕТГАН, ХОЛОС. ВАҲОЛАНКИ, БУ ЙЎНАЛИШДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ АНЧА КЕНГ.

— Янги, барқарор ва юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари ташкил этиш аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож қатлами кўллаб-қувватлашнинг энг самарали усулидир, — деди халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Фурқат Ҳамидов. — Шунинг учун дастур ижросини тўлиқ таъминлашға амалий жиҳатдан ҳисса қўшиш, таъсир кўрсатишға алоҳида эътибор қаратаямиз.

Доимий комиссия йиғилишида ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари муҳоама этилган

таъкидланди. ЎзХДП депутатлик гуруҳи Утган йили эришилган натижаларни янада мустақамлаб, йўл қўйилган ҳатолар ҳамда камчиликлардан ҳулоса чиқарган ҳолда, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини тўлиқ таъминлаш масаласини Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси иш режасига киритган эди.

— Дастурға мувофиқ, шу йилнинг биринчи чорағида вилоятда 22,7 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, — деди Файзулла Қосимов. — Уларнинг 67,2 фоизи қишлоқ жойларға тўри келади. Кичик бизнес соҳасида 7 минг, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан 7 минг, йирик объектларни куриш ҳамда кенгайтириш орқали 1,9 минг иш ўрни яратишға эришилди.

Йиғилишда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги камчиликларға алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар вилоятда яратилган жами иш ўринлари орасида муҳим иш ўринлари 59,8 фоизни ташкил этаётган пайтда, бу кўрсаткич Сўх туманида 46,4, Езёвон туманида 55,3, Қўқон шаҳрида 56,7, Қувасой шаҳрида эса бор-йўғи 39,8 фоизға етгани билан асло келиши бўлмаслигини таъкидлашди.

ПАРТИЯМИЗ ГОЯЛАРИ АМАЛГА ОШМОҚДА

Қуват ҚУРБАНБАЕВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси:



Демак, сиёсий партиянинг энг асосий вазибаси давлат ҳокимиятида қўлга киритган ўринларидан фойдаланган ҳолда унга ишонган қатлам манфаатини ҳимоя қилишдир. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашға муҳтож қатлами Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электротрати ҳисобланади. Шу йил бошида бўлиб ўтган ЎзХДП Марказий Кенгашининг VII пленумида партиянинг 2013 йилда бош дастурий устувор йўналиши меҳнатға лаёқатли ижтимоий ҳимояға муҳтож аҳоли қатлами бандлигини таъминлаш орқали манзилли ижтимоий ёрдам самарадорлигини ошириш экани алоҳида таъкидланди.

Бугун партия ташкилотларимиз ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатларимиз мазкур устувор йўналишини амалға ошириш учун қатъий ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида кўзда тутилган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш тadbирлари мунтазам равишда назорат қилиб боришмоқда.

Жорий йилнинг феврал ойида Амударё туманида партия кенгаши ташаббуси билан касблар ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги ўрта мах-

сус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишға жойлаштиришнинг мавжуд механизмларини, 2012-2013 ўқув йилида уч томонлама шартномалар тузиш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Беруний туманида ҳам «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликларини бўйича ишға жойлаштириш муаммолари ва ечимлари, тақлифлар ва мулоҳазалар» деб номланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда масалалар алоқадор барча мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, Кегайли ва Чимбой туманларидаги ўқув муассасалари, корхоналар ҳамда коллежлар битирувчилари ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш амалиёти ўрганиб чиқилди. Шу корхоналар билан биргаликда «Иш ўринлари ярмаркаси» ва «Коллежлар — корхонаға» максдалди тadbирлари ташкил этилди.

Бу тadbирлар орқали битирувчиларни иш билан таъмин-

лаш самарадорлигини оширишға амалий таъсир кўрсатилмоқда. Бир сўз билан айтганда, иш билан таъминлашға муҳтож бўлган кишилар — партиямиз электротрати манфаати ҳимоя қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, меҳнат бозорига ил бор кириб келаётган ёшлар манфаатини ҳимоялаш долзарб масаладир. Қонунларимизға бу борада киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кафолатли тарзда иш билан таъминлашда улкан аҳамиятға эға. Биринчи марта ишға жойлашган ёшлар «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниға қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонунларға асосан, бир йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўштиби юборилиши мумкин эмас.

Шу сабабли биз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари кўмағида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашидаги ЎзХДП фракцияси ва халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустанқил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиғи, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакилларини жалб этган ҳолда меҳнат қонун-

чилиғига киритилган янгиликларни кенг тарғиб этаямиз. Бундан ташқари, оилавий тadbиркорлиқни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассислиғи бўйича иш билан таъминлашнинг самарали шакллари жорий этиш, бу борада мутасадди идоралар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиғи самарадорлигини ошириш юзасидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш вазибалари олдимизда турибди.

Партия кенгашлари ҳузуринда Жамоатчилик қабулхоналариға, депутатларимизнинг аҳоли билан учрашувлари чоғида иш билан таъминлашда кўмак беришни сўраб қўллаб-муражаатлар бўлмоқда. Уларға имкон қадар ёрдам кўрсатаямиз. Бу борада қўллаб-мулоҳазалар ҳам келтириш мумкин. Аммо сиёсий партиянинг асосий вазибаси фақат шундан иборат эмас. Сиёсий партия энг аввало, сиёсий куч сифатида ўз дастури, сайловларда ҳужжатлари, асосий гояларидан келиб чиқиб, муқобил тақлиф ва лойиҳалар ишлаб чиқилиши, уларни ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритиш ташаббусини илгартириши зарур.

Айнан ушбу максдада Нукус, Чимбой туман партия кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгашларға сайланган депутатлар ҳудудий инвестиция дастурлари ижросини ўрганиб чиқилиши. Бу жараёнда партия электротрати ҳисобланган кишиларни иш билан самарали

таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусий инвестициялар ва маҳаллий манбалар ҳисобига амалға ошириладиган қўшимча инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бўйича муқобил тақлифлар тайёрланди. Халқ депутатлари туман Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари йиғилишларида бу масала атрофида муҳоама этилди.

Шунингдек, депутатларнинг бевосита ташаббуси билан Нукус туманида оилавий корхоналарини ташкил этиш ҳисобига сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2 та лойиҳа тайёрланди ҳамда экспертизадан ўтказилди. Бу жорий йилнинг биринчи ярмида туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуриға киритилиши режалаштирилди.

Бугунги кунда аҳоли фаровонлигини оширишда оилавий тadbиркорлик, касаначилик, томорқадан фойдаланиш маданиятини ошириш муҳим аҳамиятға эға. Бу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг бандлиқ даражасини ошириш, ҳаёти даражасини юксалтириш имкониятлари янада кенгайди. Шу боис партия ташкилотлари ҳамда депутатларимиз бу борада қатор лойиҳаларни илгартиришмоқда. Уларни амалға оширишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари, тижорат банклари, жамоат ташкилотлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ўрнатилган ҳамкорлик қўл келмоқда.

Умуман олганда, бугун бизнинг асосий эътиборимиз партияимизнинг электротратини ташкил этувчи иш билан таъминлашда ёрдамға муҳтож кишилар манфаатини ҳимоялаш, шу орқали ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиғи ва самарадорлигини ошириш, бу борада Марказий Кенгаш пленумида белгилаб берилган вазибаларни рўёбға чиқаришға қаратилган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Истеъмолчи ҳуқуқи

МУДДАТИ ЎТМАГАНМИ, МЕЪЁРИДА САҚЛАНГАНМИ?

Хаммаиз истеъмолчимиз. Кунда ёки кунора зарур маҳсулотларни харид қиламиз. Лекин доимо ҳам уларнинг сифатига ва яроқлилиқ муддатига эътибор бервермаймиз. Бунинг оқибатида ҳам пулимизга куямиз, ҳам муаммога дуч келамиз.

Мамлакатимизда замонавий дўконлар, минимаркет, супермаркетлар тобора кўпайиб бормоқда. Пештахталардаги хилма-хил сифатли маҳсулотларни куриб кўз қувонади. Бироқ айрим дўконларда савдо маданияти, харидор олдидаги масъулиятга етарли эътибор бермаслик ҳоллари учрамоқда.

Навоий шаҳрида яшовчи Аймисей Турсунова дўкондан маргарин сотиб олди. Уйига келиб, уни эритиш учун товада газ плитасига қўйди. Озгина вақтдан сўнг чирсиллаган овоз чиқа бошлади. Ошхонани нохуш ҳид босиб кетди. Уй бекаси дарҳол газни ўчирди. Товадаги бир килограмм маргариндан атиги бир пиёла қолибди. Таъмини таътиб кўрди, нордонлигидан кўнгли беҳузур бўлди.

Шундан сўнг харидор Навоий шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилди. Унинг аризаси бўйича ўрганиш олиб борилди. Натيجада сифатсиз маргарин маҳсулоти савдодан олиб ташланди. Харидор пули қайтарилди.

Фарғона вилояти Кува туманида яшовчи Баҳромжон Қўсмоновга қарашли савдо дўконига кириб, ун харид қилди. Уйга келтирилган ундан озгина ҳамир қорилганда ун қовушмаганлиги сабабли ҳамирдан ҳатто зувала ҳам ясаб бўлмади. Таъми татиб кўрилганда нордон экан. Тадбиркорга бориб, ҳолатни маълум қилганда, у эшитишни ҳам истамди.

Шундан сўнг Баҳромжон Кува туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилди. Жамият мутахассислари ушбу ҳолат бўйича ўрганишлар олиб боришганда ҳам харидорнинг ҳақлиги аниқланди. Ун учун тўланган

пул эгасига қайтарилди.

Сергели туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига туманда яшовчи Н. исмли аёлдан куйидаги мазмунда ариза келиб тушди: «Биз «Макиз» фирмаси томонидан тақдим этилган «Краковская» колбасасини истеъмол қилгандик. Колбасани «Вкусные продукты» дўконидан сотиб олгандик. Ушбу маҳсулот яхши тайёрланмаганими ёки меъёрида сақланмаганими, сабаби нимада билмайман, сифати бузилган экан. Бунинг оқибатида мен ва икки неварам захарланиб қолдик. Касаллик аввал уч ёшли неварамдан бошланди. У туни билан қайт қилиб, иситмаси кўтарилиб кетди. Дарҳол оилавий шифокорни чақириб, муолажани бошладик. Аммо ахволи оғирлашиб қолганидан сўнг тез тиббий ёрдамни чақириб, шифохонага ётқиздик. Катта неварам эса шифокор назорати остида уйда уқол олди...».

Жамият ходимлари аралашуви билан харидорга колбасага тўланган пули қайтарилди ва дўкон ҳисобидан муолажа учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Юқоридаги мисоллар айрим «тадбиркорлар»нинг фақат фойда кўзлаб, инсофни унутишга тинганини кўрсатади. Шу билан бирга маҳсулотларни сақлаш, сотиш қоидаларини яхши билмайдиганлар ҳам бор. Истеъмолчилар орасида эса ўз ҳақ-ҳуқуқлари нималардан иборатлигини ўйлаб ҳам кўрмайдиганлар учраб туради. Айтганлик, дўконга кирдингиз. Биринчи навбатда ишни нимадан бошлайсиз, нималарга эътибор қаратасиз? Сотиб оладиган маҳсулотнингизнинг нималари билан қизиқингиз?

— Озиқ-овқат дўконига кираверишдаги пешлавахда учта маълумот бўлиши керак: кор-



хона номи, юридик манзили ва иш вақти, — дейди **Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти** Федерацияси ҳуқуқий ҳимоя бўлими бош мутахассиси **Султон Пайзиев**. — Озиқ-овқат маҳсулотларининг товар ёрликларига куйидаги маълумотлар бўлиши шарт: озиқ-овқат маҳсулотларига кирадиган ингредиентларнинг номлари, озиқлик қиймати, оғирлиги ва метрик бирликдаги ҳажми тўғрисидаги маълумотлар. Шунингдек, маҳсулот тайёрлаш усуллари ва шартлари (концентратлар ва ярим тайёр маҳсулотлар учун) ҳамда қўлланиши (болалар, даволаш профилактика маҳсулотлари ва парhez таомлар учун) кўрсатилган бўлиши даркор. Мувофиқлик сертификати ёки маҳсулотларни тайёрловчи корхоналарда сертификатлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, сақлаш шартлари (сақлаш шароитларига нисбатан мажбурий талаблар белгиланган товарлар учун), тайёрланган санаси, яроқлилиқ муддати ҳамда ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши шарт.

Дўкондаги маҳсулотларнинг хар бири алоҳида бўлимларда, дўкон ходимлари эса маҳсулоти билан таъминланган бўлиши лозим. Хар бир дўконда назорат тарози бўлиши ва ушбу тарози метерология қисловидан ўтган бўлиши талаб қилинади. Нон маҳсулоти маҳсулоти жойда сақланиши керак.

Озиқ-овқат товарларини витринада кўёш нурлари ва ёғингарчиликларнинг тўғридан-тўғри таъсирини учрайдиган ҳолатда, шунингдек, товарларни ёнма-ён сақлаш тартиби бузилган ҳолатда сақлашга ва жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

ХАР БИРИМИЗ СОТИБ ОЛАЁТГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ, ЯРОҚЛИЛИГИ БИЛАН ҚИЗИҚИШИМИЗ КЕРАК. БУ БИЛАН ЎЗИМИЗ ҲАМДА ЯҚИНЛАРИМИЗНИНГ СОҒЛИГИ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРГАН, ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТИДА ЭСА ҲУҚУҚЛАРИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛГАН БЎЛАМИЗ.

Ровшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.




Хориж

УМУМЖАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ

ўтказиладиган бўлди

Исландия ҳукумати мамлакатнинг Европа Иттифоқи аъзолигига кириши масаласи юзасидан ЕИнинг Брюсселдаги штаб-квартираси маъмурияти билан музокара олиб боришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ЕИга аъзолик масаласи умумжалқ референдуми ўтказиш йўли билан ҳал этиладиган бўлди, дея хабар беради «Reuters» АА. Фақат референдум қачон ўтказилиши ҳозирча номаълум.



Мазкур қарор жорий йилнинг апрель ойи охирида бўлиб ўтган сайловда ғолибликни қўлга киритган ва янги ҳукумат коалицияси таркибига кирган ўнг марказчилар партияси томонидан қабул қилинди. Шу пайтгача ҳуқмрон бўлиб келган сўл марказлар партияси ЕИга аъзоликка кириш гоёсини қўллаб-қувватлаб келганди. Бироқ сайловда улар ўтказиб қўйди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижаларига қараганда, мамлакат аҳолиси аини пайтда Исландиянинг ЕИга аъзо бўлишидан хавфсизроқда, дея хабар беради «BBC News». Негаки, бу Исландиянинг денгиз қирғоқларида балиқчилик соҳасидаги монополиясига салбий таъсир ўтказди. Ҳозирги кунда Исландия экспортнинг 70 фоизини денгиз маҳсулотлари ташкил этади.

Дарвоқе, Исландия ЕИ таркибига кириш учун 2009 йил июлда ариза берган. 2010 йилдан эса мазкур масала бўйича музокаралар бошланган.

ҲАРБИЙЛИК ЛИБОСИ

вақтинча алмаштирилади

Буюк Британия Мудофаа вазирлиги мамлакатдаги барча ҳарбийлар кўчаларда ва жамоат жойларида ҳарбий либосда эмас, оддий фуқаро кийимига юришлари тўғрисида буйруқ чиқарди.



«BBC News» хабар беришича, яқинда Лондоннинг жануби-шарқидида келиб чиқши нигериялик бўлган, аммо британиялик икки радикал ғуруҳ вакили томонидан икки ҳарбий пичоқлаб кетилгани бунга сабаб бўлди. Аини пайтда улар қўлга олинган.

Мудофаа вазирлигининг мазкур қарорини мамлакат бош вазири Дэвид Кэмерон ҳам маъқуллади.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

объявляет тендер № 4

на 2013 год на оказания услуг по модернизации эксплуатируемой автоматизированной системы оперативного управления перевозками компании до уровня «АСОУП-2.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу:

г.Ташкент, ул.Т.Шевченко,7 ГАЖК «Узбекистон темир йулллари», Управление «Темириўленитгитаъмин», комната 410. Тел.237-94-72,238-84-43,237-96-33. Электронная почта - israilov55@mail.ru

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.



«Tashkent Realtor Service» МЧЖ

2013 йил 23 май кунни бўлиб ўтган очик аукцион савдоси натижасини маълум қилади:

Ташкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, Уразов кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган ТТМЗ «Мева-Сабзавот» МЧЖ мулкий мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 779 915 364 сўм, сотилиш баҳоси — 826 710 960 сўм.

Лицензия RR-0008

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ШАҲАР «ШОҲИ ЗИНДА» ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

2013 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган куйидаги объектни тўлиғича куриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС сиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Курилиш муддати
1	Самарқанд шаҳри, Шохи Зинда кўчаси, 39-уй, «Шохи Зинда» мажмуаси ҳудудида жойлашган таҳоратхонани реконструкция қилиш	431 221 324 сўм	517 465 589 сўм	2 ой

Курилиш ишлари «Шохи Зинда» ёдгорлик мажмуасининг ўз маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва курилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти курилишда танлов шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: «Шохи Зинда» ёдгорлик мажмуаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Шохи Зинда кўчаси, 39-уй, телефон: (8366) 235-51-62.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридидаги айланма маблагларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомила ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз

пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб, ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел/факс: 231-13-51, 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунни ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, куйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносиди соат 10-00** да ўтказилади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ

2013 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган куйидаги объектни тўлиғича куриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС сиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Курилиш муддати
1	Республика Инкассация хизматининг Самарқанд вилоят бошқармаси ҳисобидидаги автогараж биносини реконструкция қилиш (1-босқич)	449 875 411 сўм	539 850 493 сўм	6 ой

Курилиш ишлари Республика Инкассация хизмати Самарқанд вилоят бошқармаси ўз маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва курилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Республика Инкассация хизматининг Самарқанд вилоят бошқармаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 19-уй, телефон: (8366) 231-15-81.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридидаги айланма маблагнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомила ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари қат-

нашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунни ва соатигача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, куйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносиди соат 10-00** да ўтказилади.

Яна санокли кунлардан сўнг, Бухоро шаҳрида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2013» спорт мусобақалари финал босқичи бошланади.

Олтинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, ўн уч йилдирки, талаба-ёшларимизнинг, бугун халқимизнинг ҳаётидан мустақам ўрин эгаллади.

Президентимиз Ислам Каримов Андижонда ўтказилган «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригида ушбу спорт анжумани ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди: «... юртимизда шаклланиб, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чинқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир».

Дарҳақиқат, бугун ёшларимизнинг дунёда ҳеч қандам кам бўлмаган юртимизда, Олимпия ўйинларида Ватанимиз шухратига шухрат қўшаётгани фикримиз тасдиғидир. Камолот ва гўзаллик, ёшлар ва шижоат байрамига Бухоро вилояти иккинчи мартаба мезбонлик қилмоқда.



Спорт майдонлари мусобақаларга шай.

УНИВЕРСИАДАНИНГ ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИНИ

миллионлаб ёшларимизни ўз сафига қамраб олмоқда. Уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайишига замин яратмоқда

қизларимиз бугун Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида Ватанимиз шухратига шухрат қўшаётгани фикримиз тасдиғидир. Камолот ва гўзаллик, ёшлар ва шижоат байрамига Бухоро вилояти иккинчи мартаба мезбонлик қилмоқда.

«Универсиада — 2013» спорт мусобақалари арасида Бухоро давлат университети ва Бухоро муҳандислик-технология институтида янги спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. — дейди БУХДУ жисмоний тарбия факультети декани Баҳодир

Маъмуров. — Университетимиз қошида барпо этилган янги спорт зали - 36x13 ўлчамга эга бўлиб, бу ерда баскетбол, кўл тўпи, мини футбол, волейбол, гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Шунингдек, Бухоро давлат университетининг спорт мажмуасида ҳам реконструкция ишлари амалга оширилди. Универсиада дастуридан жой олган футбол баҳслари ўтказиладиган стадионда спортчилар ва мухлислар

учун барча қулайлик яратилди. Югуриш йўлакчалари, баландлиқ ва узунликка сакраш, найза улоқтириш, мини футбол, баскетбол, волейбол, теннис майдончалари ҳам замонавий талабларга мос ҳолатга келтирилди.

Вилоят марказидаги «Хумо» ва «Дилкушо» теннис мажмуалари, Бухоро олимпия заҳиралари коллежи спорт зали, «Семурғ» спорт мажмуаси, «Динамо» спорт зали мусобақалар арасида тўлиқ қайта реконструкция қилинди, замонавий спорт анжумани ва ускуналари билан жиҳозланди.

Хабарингиз бор, мусобақа дастурига киритилган ўн икки спорт туридан футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи бўйича минтақавий баҳсларда сараланган энг кучли бештадан жамоа финал босқичида курашни давом эттирди. Мазкур жамоавий спорт турлари бўйича Қарши шаҳрида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари вакиллари ўртасида ўтказилган минтақавий саралаш баҳсларида бухоролик ёшлар Универсиаданинг финал босқичига берилмаган етти йўлланманинг тўрттасини кўлга киритди.

Бухоролик талаба-ёшлар теннис, кураш, енгил атлетика, стол тенниси, белбоғли кураш, шохмот, сузиш бўйича ҳам ғойиблик учун асосий даввогарлар қаторида тилга олинмоқда. Бошқа вилоятлардан келадиган ёшлар ҳам фақат ғалаба учун курашди, албатта. Аммо кўпчилик иштирокчилар таъкидлаётганидек, бу нуфузли спорт байрамида қатнашнинг ўзи катта муваффақият, ёшда қоладиган қувончли воқеа.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Мана, баҳорнинг ёмғирли кунлари ҳам охирида, ёз нафаси уфиро бошлади. Айни шу кунларда мактабларда сўнгги кўнгирак жаранглаб, болалар ёзи таътилга чиқишди. Уларни мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидаги оромгоҳлар кутмоқда.

Узун туманидаги Холмуҳаммад Қулнйезов номи болалар оромгоҳида ўтказилган амалий семинарда болалар оромгоҳларининг мавсумга шайлиги масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда воҳадаги мавжуд оромгоҳлар раҳбарлари, алоқадор ташкилот-

лар мутасаддилари иштирок этди. — Ўтган йили 122 та оромгоҳда 13 минг 950 нафар бола дам олган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 17 минг бўлиши кутилмоқда, — дейди Сурхондарё вилоят касабаси уюмлари ташкилотлари

бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов. — Шундан 5 минг нафари шаҳар ташқарисидан, 12 минг нафари эса ихтисослашган мактаб-интернат, кундузги мактаб олди раҳбари коллежлар қошида ташкил этилган оромгоҳларда ҳордиқ чиқаради.

Болажонларнинг мароқли дам олиши учун қисқа даврда вилоят ҳокимлиги ва қатор ҳомийлар ёрдамида 100 миллион сўмга яқин бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, Олтинсой туманидаги «Вахшвор» оромгоҳида

қурилиш ишлари олиб борилди. Узун туманидаги «Хонжи-за» дам олиш масканида эса икки йўллар таъмирланди.

Болалар оромгоҳларида маданӣ ва маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Мавсум давомида мини футбол, енгил атлетика, арқон тортиш, шохмот, шашка ва бошқа спорт мусобақалари ўтказилди. Таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёзи таътил

Футбол



ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари тўққизинчи тур баҳсларини якунлади.

Турнинг марказий ўйини Қаршида «Насаф» — «Локомотив» жамоалари ўртасида кечди. Унда пойтахт темирйўлчилари жамоаси мавсумдаги илк маглубиятини тан олишга мажбур бўлди. Учрашувда мезбонлар сардор Артур Геворкян «дубль» қайд қилган бўлса, жавоб тўпини темирйўлчилардан Садриддин Абдуллаев қиритди — 2:1.

Яна бир қизқарчи ва голларга бой учрашув Зоминда «Сўғдиёна» — «Динамо» вакиллари ўртасида бўлиб

ўтди. Унда дарвозаларга етти гал киритилди. Ўйин жиъзахликларнинг ғалабаси билан ниҳоясига етди — 4:3. Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Гулистон» — «Металлург» — 2:1, «Олмалик» — «Нефтчи» — 3:1, «Бухоро» — «Навбахор» — 1:1, «Бунёдкор» — «Шўртан» — 1:0, «Кизилкум» — «Пахтакор» — 0:1.

Навбатдаги тур баҳслари 31 май ва 1 июнь кунлари ўтказилди. Самир Самир, БОБОРАЖАБОВ

Экспорт — мамлакат таянчи

ХАЗИНА ҒОЙИБДАН ЭМАС, МЕҲНАТДАН КЕЛАДИ

Бу — «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги пахтани қайта ишлаш корхоналари фаолиятида яққол кўринмоқда

Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, соҳага жаҳон андозаларига мос янги технологияларни жорий этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги корхоналар фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Деҳқонлар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил қайта ишланиб, бирлашма тасарруфидида 8 та пахта тозалаш корхонасида толага айлантирилмоқда. Тайёрланган пахта толаси эса дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинаётган.

— «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тағфиси туширилган пахта толаси дунёдаги энг етакчи бўлган Ливерпуль, Нью-Йорк, Бремен, Гданск биржаларида муносиб ўрин эгаллаётган, — дейди бирлашма раиси Садриддин РАСУЛОВ. — Бугун ўзбек пахтасининг шухратини янада баланд кўтариш учун барча имкониятларни ишга солишимиз зарур. Манфаатдорлик ҳисси деҳқон-фермерни ҳам, бурортмачи ва тола ишлаб чиқарувчиларни ҳам пахтачиликка бўлган муносабатини тубдан ўзгартириши ташаббус этмоқда. Бундан кўрнанадими, жаҳон бозоридида ўз ўрнинида собит қолишимиз учун энг аввало, тола сифати юқори бўлган навлар масаласига алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Айни дамларда тармоқдаги айрим муаммоларни тезроқ бартараф этиш чоралари кўрилатгани яхши самара бермоқда. Кечпишар, касаликка чидасиз, тола сифати жаҳон андозаларига жавоб берайдиган навлар сони йил сайин камайитириб борилмоқда. Вилоятимиздаги кўплаб деҳқон-фермер хўжалиқларида IV-V типга ман-



суб, толаси жаҳон бозоридида харидор-гир «С-6524», «Наманган-77», «АН-Боев-2» сингари навларни кўпроқ экишга эътибор бердик. Сабаби, бу навлар хомашёсидан тола чиқиш даражаси 33-35 фоизни ташкил этмоқда. Қолаверса, улар вилоятимиз тупроқ, иқлим шароитига ҳам мос.

Дарҳақиқат, бирлашма жамоаси ўтган йили яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Чунончи, тайёр маҳсулотларни шартномалар асосида истеъмолчиларга етказиб бериш ва сифатли тола ишлаб чиқариш суръати бирмунча ошди. Бундан ташқари, Бекобод туманидаги «Далвирзин» пахтани қайта ишлаш корхонаси янгидан барпо этилди. Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахтани қайта ишлаш корхонаси акциядорлик жамияти ҳамда Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш

корхоналари пахтани қайта ишлашда дунёда етакчи ҳисобланган замонавий технологиялар билан тўла жиҳозланди.

Бирлашмага қарашли Бўжа пахтани қайта ишлаш корхонасида «С-6524», «Анджон-36» сингари пахта навлари қайта ишланади. Бу навдаги пахта толаси жаҳон бозоридида харидоргирдир. Корхонада 2012 йил пахта мавсумида тумандаги 470 дан зиёд фермер хўжалигидан 37 минг 577 тонна пахта хомашёси қабул қилиниб, ундан шу кунгача 7 минг тоннадан зиёд сифатли тола олинди.

— Айни дамларда корхонамизда ўтган йилдаги пахта ҳосилидан жаҳон бозоридида харидоргир бўлган IV типга мансуб тола олинмоқда, — дейди корхона раҳбари Темур Пулатов. — Олинаётган тола чиқими эса 32-33 фо-

изни ташкил қилаётган. Бу маҳсулот «Тошкент-тола» минтақавий пахта терминали омбори орқали чет давлатларга жўнатилмоқда.

Экспортдан келадиган даромад мамлакатимиз равақи, қолаверса, пахтачилик соҳасининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Топанинг 80-90 фоизи хорижда экспорт қилиниши ҳам ана шундан.

— Пахтани қабул қилиш, хомашёни қайта ишлаб толага айлантириш мураккаб жараён, — дейди бирлашма-нинг тайёр маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб бериши ташкил этиш бўлими бошлиғи Қудрат Собиров. — Бу жараёнда ўнлаб, ҳатто юзлаб техникалар тинимсиз ишлатилади. Йўл қўйилган озгина хатолик ҳам тола сифатини бузиб қўйиши мумкин. Шу боис раҳбардан тортиб то оддий ишчигача мавсумда масъулият билан меҳнат қилади. Ўтган 2012 йилда вилоятимиз пахта далаларида етиштирилган ҳосил тизимимиздаги пахта тозалаш корхоналарида қайта ишланиб, ундан жорий йилнинг шу давригача 40 минг тоннадан зиёд сифатли тола олинди. Тайёр маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

Харақат бор жойда — барака бор, деганларидек, жорий йилнинг шу даврида Чиноз тажриба-экспериментал пахтани қайта ишлаш корхонаси акциядорлик жамиятида 5 минг 300 тоннадан зиёд сифатли тола олинди, тайёр маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

Яна бир янгилик: корхона ўзининг бош биноси ва пахта тозалаш цехларини бутунлай реконструкция қилди. Меҳнат унумдорлиги паст асбоб-ускуналар ўрнига Хитойнинг пахтачилик са-

Реклама ўрнида

ноатида етакчи ҳисобланган «Honggun» компаниясининг замонавий ускуналари ўрнатилди.

— Бунинг самараси ўлароқ, пахта хомашёсини толага айлантириш жараёни соддалашди, — дейди корхона раҳбари Фаррух Артуқметов. — Кўл меҳнати, электр энергия сарф-ҳаражати икки-уч бараварга камайди. Тизим юз фоиз автоматлашган. Пахта хомашёсини тозалашдан тортиб, то тайёр маҳсулотга айлантирунча қадар бўлган жараёнлар компьютерлар ёрдамида бошқарилаётган. Ана шундай қулайлик жараёндаги пахта толаси олиш ҳажми ошди. Бу — бир неча тонна юқори сифатли тола, миллион-миллион сўмлик қўшимча даромад деганидир.

— Биласизми, экспортга чиқариш учун ўлчам, сифати, нави, ранги бир хил бўлган муайян миқдордаги тола талаб қилинади, — тушунтиради Садриддин РАСУЛОВ. — Биз ана шу мақсадда замон талабларидан қайиб чиқиб, тизимимиздаги барча корхоналар ишини тобора тақомиллаштиришни мақсад қилдик ва бу йилда илзанишлар олиб бораемиз.

Биргина мисол. Илгарилари тола тойлари дағал силлар ва кўрмисиз матоларда қадокланган бўлса, эндиликда тайёр маҳсулотлар полиэтилен қоплар ичига жойлаштирилиб, беҳирим ленталар билан безатилмоқда. Бу ҳам жаҳон бозоридида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Самара ҳам шунга яраша: айтишадими, «хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан келади» деб.

Бирлашма тасарруфидидаги пахтани қайта ишлаш корхоналари, жамоалари сифатли тола олиш ва уни хорижга экспорт қилиш борасида астойдил меҳнат қилиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Table with weather forecasts for various cities including Jurimiyev, Bukhara, Tashkent, and others, showing temperature ranges and weather icons.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбековга отаси Пулатбек АХМЕДБЕКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Publication information including MUASSIS (O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi), Bosh muharrir (Safar OSTONOV), Tahrir hay'ati (Abdulla ORIPOV, Murodilla ABDULLAYEV, Saidahmad RAHIMOV, etc.), Manzilimiz (100000, Toshkent), and contact details for the newspaper.